

Бор экан, йўк экан, оч экан, тўк экан, кадим замонда, Бухоро шахрида Хондархон деган подшо ўтган экан. Подшонинг вазирлари ичида Косим жаллод деган бир вазир бор экан. Подшо унинг сўзини эътиборга олар экан.

Мухаммаджон деган бир йигит орзу-хавас билан бир бойнинг кизини олган экан. Мухаммаджон хотини билан етти йил бирга умр кечириб, хеч фарзанд кўрмабди.

Бир кун Мухаммаджон хотинига караб айтибди:

— Эй хотин, мен тенги уйланганлар фарзанд кўрди. Улардан бирортаси боласини кўтариб кўчага чикканини кўрсам, ерга кириб кетаман. Мен сен билан етти йил умр килиб, фарзанд кўрмадим. Жуда хафаман. Махалламдаги ўртоқларим билан бир саёхат килиб келмокчиман. Сен мени уч йил кут. Агар уч йил кутмасдан бошка эр килсанг, сендан рози бўлмайман.

Йигит уч йилга етар-етмас уй харажатларини тўгрилаб, хотинига:

— Остона хатлаб эшикка чикмайсан, — деб сафарга кетибди.

Хотини эридан хомиладор бўлиб колган экан. Орадан тўккиз ой, тўккиз кун ўтгач, ўгил кўрибди. Ўглини яхши тарбиялабди. Эрининг кетганига икки ярим йил бўлибди.

Кунлардан бир кун боласини аллалаб ухлатаётганида, эрининг сўзлари эсига тушиб, шундай кўшик айтибди.

Алла болам, аллаё, алла,

Жон болам, жоним болам, аллаё, алла.

Баланд-баланд тепада куш ўлтирар, алла.

Йўкчилик бошимга кулфат келтирар, алла.

Йўк бўлиб отанг, ёнимда хор бўлгунча, алла,

Тогдаги арслон бўлай то ўлгунча, алла.

Яхши бўлса эр йигитнинг хотини, алла,

Шул чикарар йигитнинг отини, алла.

Деразадан ой тушди юзимга, алла,

Сиздан бошка ёр кўринмас кўзимга, алла.

Кеча-кундуз сабр тилайман ўзимга, алла,

Жон болам, жоним болам, аллаё.

Отасини кўрмаган, йигисини кўймаган, алла,

Жон болам, жоним болам, аллаё, алла.

Она боласини ухлатиб, бешикка бош кўйиб, ухлаб колибди. Тушида эрини кўрибди.

Мухаммаджон келиб кўча эшигини такиллаб уни чакирибди, югуриб чикиб, эшикни очиб кўчага караса, эри лойга ботиб колган эмиш.

Эри:

— Эй, хотин, кирай десам эшигинг берк экан, лойга ботиб колдим. Кел, кўлимдан торт!  
— дебди.

У, эрининг кўлидан ушлаб тортган экан, эрининг оёғи тагига йикилиб тушибди. Хотин

уйгониб караса, тонг пайти экан. Бешикка бош кўйиб ухлаб ўтирган эмиш.

«Ажабо, бу нима бўлди, буни кимга айтаман. Эрим остона хатлаб эшикка чикмагин деган эди», деб ўйлабди. Чой кайнатиб, дастурхон ёзиб, чойдан бир пиёла ичмокчи бўлиб турган вақтида, бирдан дарвоза такирлаб колибди. Бу ким экан, деб эшик ёнига бориб:

— Кимсиз? — деб сўрабди:

— Мен, оч эшикни! — деган аёл товуши эшитилибди. Эшикни очиб караса, кўшниси Мастура кампир эмиш. Кампир бу хотиннинг пайида юрар экан. Кўриниши дўст бўлса хам, ичдан душман экан.

— Келинг, эна, хизмат? — дебди уй эгаси.

— Айланай болам, — дебди кампир, — уйимда гугуртим тамом бўлиб колган экан. Сизда бўлса, сўрагани чикдим.

— Яхши чикибсиз. Ичкарига киринг! Бир пиёла чой ичинг, — дебди уй эгаси. Кампир:

— Ха, майли, ичсам ича қолай, — деб ўтирибди. Иккиси чой ичишибди. Уй эгаси:

— Мен сизни энамдай кўриб юраман. Бугун бир туш кўрдим. Сиз шу тушимни яхшига жўйиб берсангиз, — дебди.

— Айт-чи, болам, нима туш кўрдинг? — дебди кампир.

— Тушимда, эрим келиб чакиргандай бўлди. Кувониб, югуриб бориб эшикни очдим, чикиб карасам, эрим эшик олдида лойга ботиб колган эмиш. Эрим: «Менинг кўлимдан ушла, тортиб ол!» деди. Мен эримнинг кўлидан тортаман десам, оёғи тагига йикилиб тушдим, уйгониб карасам, тушим экан.

— Эй болам, — дебди кампир, — сен тушингда бойингнинг оёғи тагида лой кўрган бўлсанг, унинг оёғи тагига йикилган бўлсанг, икки-уч кун ичида бир тухматга учрайсан. Сени подшонинг олдида олиб бориб, бир юз саксон газ минорадан ташлаб юборадилар. Хотин:

— Сенинг менга душманлигинг бор экан. Энди кирсанг оёгингни синдираман, душманлигинг ўзингга етсин! — деб гугурт бермай, кампирни уйдан хайдаб юборибди.

Хотин: «Куриб кетгур, кампир менинг ўчган ўтимни ёндириб, юрагимни куйдирди, тушимни айтмасам бўлар экан», деб ўйлабди. Кампирнинг сўзига, кўрган тушига эри кетганидан буён йигиб кўйган ипини олиб сотиб, уч-тўрт гадоёга садака бериб келмокчи бўлибди. Ўйлаб, ўзига-ўзи сўйлаб: «Кандай кийим кийиб борсам экан? Ёшга ўхшаб кийиниб бозорга борсам, битта-яримта йигит кўз кирини ташламасин, хар холда кампирларга ўхшаб борай», деб эски кийимлар кийиб уйдан чикибди. Калава ип бозорига борибди. Калава бозорга якин келиб, бировдан:

— Айланай болам, калава бозори каерда? — деб сўрабди. У:

— Якин колди, — деб калава бозорини кўрсатиб юборибди.

Калава бозорига кириб кетаётса, бир дўкондор йигит:

— Кўлингиздаги нима? — деб сўрабди.

— Айланай болам, калава, — дебди.

— Сотасизми?

— Сотаман.

Шунда дўкондор:

— Олиб келинг, бўлмаса, — дебди-да, тарозига солиб тортиб кўрибди.

— Калавангиз ўн кадок экан. Канча сўрайсиз?

— Айланай болам, мен нима дер эдим, ўзингизга инсоф берсин, — дебди. Йигит:

— Ун кадок калавангизга ўн танга бераман, хўп десангиз беринг, — дебди...

— Майли, — дебди хотин. Дўкондор:

— Мен калавангизни ўн тангага олдим, лекин беш танга пулим бор экан. Шу растанинг нариги бошида менинг ўртогим бор. Сизга шу ўртогимдан беш тангангизни олиб бераман, — дебди.

— Майли, болам! — деб жавоб берибди хотин. Энди гапни бошка томондан эшитинг: Подшо бир ўгрини дорга осгин, деб фармон берган экан. Дўкондор билан кетаётган хотин подшо вазири Косим жаллод ўгрини калава бозоридан хайдаб келаётганини кўриб, кўркканидан хушидан кетиб, бошидан паранжиси тушиб, оёгига ўралиб йикилибди. Косим жаллод юзи очилиб колган хотиннинг хусни-жамолини кўриб, «яхши хотин экан-да», деб ўгрини хайдаб кета берибди. Хотин бир дўкон тахтасининг оркасига яшириниб колибди. Косим жаллод йўлда кета туриб, мугомбир, айёр, хар ярамас ишга тайёр Абдулла чаккон деган одамни учратиб:

— Сен оркангга кайт! Калава бозорда бир хотинни кўриб колдим. Шу хотинни олиб келиб, мен билан гаплаштирсанг, сенга бир от, юз танга пул бераман, — деб ўгрини хайдаб кетибди.

Абдулла чаккон бу сўзни эшитиб калава бозорига чопибди. Калава бозорига борса, калавафурушнинг олдида бир хотин турган эмиш. Унга калавафуруш:

— Мана, беш танга, олинг. Калавани беринг, — деб турганини эшитган Абдулла чаккон отдан тушиб калавафурушнинг ёкасидан ушлабди.

— Биродар, мен нима иш килдим, мени ёкамдан бўгасиз? — дебди калавафуруш.

Абдулла чаккон калавафурушга: — Нега сен бу хотинга пул беряпсан? — дебди.

— Э, болам, бу гапни айтманг? Мен бу кишига калава сотдим. Шунга пул беряптилар, — дебди хотин.

— Ха, ха, калавангиз кайси?

— Ха, анави, — дебди.

— Бўлмаса, бу калавани олиб тарозига солиб кўр-чи, канча келар экан.

Калавафуруш унинг гапи билан калавани олиб тарозига кўйиб:

— Мана ўн кадок. Хар кадоги бир тангадан, ўн танга бердим, — дебди.

— Бўлмаса сен ўн тангага олган бўлсанг, алдамаганинг шу хотин колганми эди. Бу калавани хар ким ўн беш тангага олади-ю, сен ўн тангага оласанми? — дебди Абдулла чаккон.

Калавафуруш:

— Сиз ўзингиз ўн беш тангага оласизми? — дебди.

— Ха, оламан, — дебди.

— Олинг бўлмаса, — дебди калавафуруш. Калавафурушнинг кўлидан Абдулла чаккон калавани олиб:

— Мана, эна, ўн танга, беш тангасини менинг уйимдан оласиз. Шу ердан тўгри бориб, иккинчи махаллага етиб «Абдулла чакконнинг уйи каерда?» деб сўрасангиз ҳамма кўрсатиб беради, — дебди.

Хотин калавафурушга ўн тангасини кайтариб бериб, Абдулла чакконнинг сўзига ишониб, унинг ўн тангасини олибди.

Абдулла чаккон:

— Эна, энди сиз бора беринг. Менинг бозорда ишим бор, — деб бозорда колгандек бўлиб, хотиннинг кетидан корама-кора бора берибди. Хотин Абдулла чакконнинг уйига етиб бориб эшигидан караса, уйда хеч ким йўк эмиш. Кайтиб чикай деса, кўча эшиги бекилиб колибди. Абдулла чаккон эшикни бекитиб кўчада турган эмиш. Хотин чикиб

кетмокчи бўлибди. Абдулла чаккон:

— Чикармайман сени. Шу ерда бир оз турасан. Агар турмайман десанг, канотинг бўлса осмонга учиб кет, иложини топсанг, ерга кириб кет. Лекин сени менга бир одам тайинлаган. Ўша одам келиб: «Шу эди» деса, хўп-хўп, агар бошка одам деса, кета берасан, — дебди. Хотин:

— Во ажабо, бу кандай гап? Уйда ёш болам колган, — деб кўзига ёш олибди.

Косим жаллод ўгрини дорга тортиб, кайтиб келиб, Абдулла чаккондан:

— Нима килдинг? — деб сўрабди.

— Эшикни очаман, кириб кўринг, — деб жавоб берибди Абдулла чаккон.

— Кани, очгин, кўрай, — дебди жаллод. Абдулла айёр эшикни очибди. Жаллод эшикдан кириб, ўзи тайинлаган хотин эканини кўриб, Абдуллага:

— Сени бир кун хурсанд киларман, — дебди-да, хотинга караб:

— Э, янга, чўнтагим тўла танга. Бу кеча мен билан гапиришсанг, ўн минг танга бераман, — дебди. Хотин:

— Ўн минг танга экан, юз минг танга берсанг хам, сенга юзимни кўрсатмайман, — дебди.

Жаллод бу сўзни эшитиб, жахли чикиб, Абдулла чакконга:

— Хайда буни! Подшо олдига олиб борамиз, бунга подшонинг жазосини бердирмасам, Косим жаллод отимни бошка кўяман, — дебди.

Хотин айтибди:

— Майли, мени подшонинг олдига олиб бор, нима жазога тортса тортсин.

Косим жаллод билан Абдулла чаккон хотинни подшонинг олдига олиб боришибди.

Подшо:

— Косимбой, нима гап-сўз топиб келдингиз? — деб сўрабди. Косим жаллод айтибди:

— Кеча ярим кечада Чорданзи махалласидан ўтиб кетаётсам, бир уйнинг ичидан гангур-гунгур овоз чикаётганини эшитиб колдим. «Ярим кечада бу овоз каердан келаётир?» деб томга чикиб, мўридан карасам, бу хотин киркта йигитга мусаллас куйиб бериб ўтирибди: «Хап сеними? Сенга кўрсатиб кўймасам», деб томдан тушиб, эшикдан кирай десам, ховлисининг орка томони бог экан, бу хотин кирк йигитни бог тарафдан кочириб, эшикни очди. Менга:

— Нима кўрдинг? — деди. Мен: — Бу ерда ўтирган йигитлар кани? — деб сўрасам. У: «Кўлинг билан тутгин-да, нима килсанг кила бер», деб менга дўк килди. Шунинг учун сизнинг олдингизга келтирдим. Шунга жазо беришингизни сўрайман, — дебди.

— Э аёл, ёш экансан, менинг замонимда бундай иш учун ўлимга буюришимни била туриб, шу ишни килишга кўркмадингми? — дебди. Хотин:

— Эй подшохи олам, султони бокарам, мен хам арзимни айтай, эшитинг, — деб ёлворибди.

Подшо:

— Айт, — дебди.

Хотин эри саёхатга чикиб кетгани, унга икки ярим йил ўтгани, бир кун боласини аллалаб ухлаб колгани, туш кўргани ва бошидан кечирган бутун воқеани подшога сўзлаб берибди. Сўзининг охирида: «Килган гунохим шул таксир», дебди. Подшо:

— Э Косимбой, бунинг айтган сўзи тўгрими? — деб сўрабди: Жаллод:

— Таксир, ўгри: — ўгриман, ёмон: — ёмонман, бузук: — бузукман дейдими?! Сизга мен хизмат кила бошлаганимдан бери ёлгон гапирганманми? Агар бунинг гапига ишониб, менинг гапимга ишонмасангиз, ўзингиз биласиз, — дебди. Подшо жаллодга караб:

— Бу хотиннинг гапи ёлгонлигига тўртта гувоҳ топиб келсангиз, уни жазога буюраман,  
— дебди. Косим жаллод:

— Хўп, бўлмаса, мен гувоҳ топиб келай, — деб чикиб кетибди. Бир киморхонага бориб,  
тўртта юткизган киморбозни топиб, бозор бошига етганда, тўрттовига ҳам муллалар  
киядиган кийим кийдириб, ошхонага олиб кириб, корнини тўйгазибди, гап ўргатибди,  
подшонинг олдига олиб борибди. Подшо:

— Косимбой, буларни нимага олиб келдинг? — дебди. Косим жаллод:

— Сиз гувоҳ олиб кел, деганингиз учун гувоҳликка олиб келдим, — дебди. Подшо  
келганларга караб:

— Сизлар Косимбойга гувоҳмисизлар? — дебди. Киморбозлар:

— Ха, гувоҳмиз, — дейишибди. Подшо уларга караб:

— Косимбой бу хотинни фохиша дейди, бу хотин эса, «Мен фохиша эмасман», дейди.  
Косимбойнинг гапи тўғрими, ё хотиннинг гапи тўғрими? — дебди. Киморбозлар:

— Э подшо, сизга тасаддук бўлайлик. Косимбойнинг гапи тўғри. Биз биламиз: бу хотин  
бузук, ҳар қандай жазо берсангиз арзийди, — дейишибди. Подшо:

— Хўп, менинг давримда, шу одам ёмон деб тўрт одам гувоҳликка ўтса, уни қилган  
ишига караб жазога буюраман, — дебди ва хотинга караб. — Фохишалигинг йўригидан  
сени ўлим жазосига буюраман. Жазо минорасидан ташлатаман, ё остираман ёки тўпга  
тутдираман. Шу уч жазодан қайси бирига розисан, айт! — дебди. Хотин:

— Эй подшо, сизга буларнинг тухмати маъқул бўлиб, менинг гапим номаъқул бўлса,  
менинг яна сизга бир арзим бор, мана шу қалитни бир одамингизга берсангиз. Менинг  
уйимга бориб эшикни очиб кирса, бешикда қолган болам бор. Шу боламини олдиртириб  
келтирсангиз. Агар олдириб келтирмасангиз, болам уйда қолиб, мени жазога  
торттирсангиз, рози эмасман. Боламини олдириб келиб, шу бир юз саксон газлик  
минорадан ташлатинг, розиман, — дебди.

Подшо шу онда хотин тайинлаган жойга одам юбориб, боласини олдириб, хотиннинг  
қўлига берибди. Хотин боласини олиб, бир юз саксон газлик миноранинг тагига бориб,  
боласини эмизиб туриб, халкка караб:

— Э халойик, подшо мени ноҳақ жазога тортаётир. Шунинг учун шу боламини қим олади?  
Агар олган одам асраб қатта қилса, хурсанд бўлади, хафалик тортмайди, — дебди.

Бир чол келиб:

— Менинг қизим, ўғлим йўқ эди, фарзандга зор эдим. Сен менинг қизимсан, ўғлим  
ўрнига ўғлимсан. Болангни мен олай, бокиб қатта қилай, — деб болани олибди.

Подшо хизматкорлари хотинни қопга солиб, бир юз саксон газлик миноранинг  
тепасидан: «Хукми подшо вожиб», деб ташлаб юборишибди. Хотин айланиб-айланиб  
азоб тортмай, худди томдан сакраб тушгандай тикка ерга тушибди. Халқ хотиннинг  
тирик қолганини қўриб хайрон бўлибди. Халқ ичидан уч-тўртта одам чикиб жаллодга:

— Э, Косимбой, берахмлик билан ноҳақ тухмат қилган экансан-да, бу минорадан  
ташлаган одамлар парча-парча бўлиб, замбардаги лойдай ёйилиб кетар эди. Бу хотин  
парча-парча бўлмай, тик тушиб қолди. Сенинг гапинг ноҳақ гап, тухмат, бу хотиннинг  
ёлборгани тўғри экан, — дейишибди.

Косим жаллод туриб:

— Бу хотин жодугар, сеҳргар экан, шунинг учун ўлмади, яна қайтадан ташлатаман, —  
дебди. Одамлар:

— Сен қандай одамсан? Тагин минорадан ташлаш керак дейсан. Сенда инсоф борми?  
Лекин биз подшога бориб айтамыз: «Сиз минорадан ташлашга буюрган хотин, воҳақ

жазо берилгани учун минорадан азоб чекмай, сог-саломат тушди, ўлмади», деймиз. Подшо «яна минорадан ташланглар» деса, ташлаймиз, бўлмаса, йўк, — деб хотиннинг тарафини олишибди. Косим жаллод минора тагида қолибди, беш-олти одам подшонинг олдига бориб, бўлган воқеани бирма-бир баён қилишибди. Подшо уларга:

— Ундай бўлса, хотинни минорадан яна ташланглар! — дебди.

Бир вазир туриб:

— Сиз бир марта ҳукм чиқаргансиз. Хотин ҳақ бўлгани учун минорадан тушиб ўлмабди. Энди уни озод қилиб, боласини қўлига бериб жўнатиш керак. Косим жаллодни эса, беғуноҳ бир одамга тухмат қилгани учун жазога тортиш керак, — дебди.

Подшога бу гап маъқул тушибди.

— Боринглар, хотинни озод қилиб, қолдан боласини олиб қўлига бериб, яна унга ўн танга ҳам бериб, уйига элтиб қўйинглар. Косим жаллод, Абдулла чаккон ва тўртта гувоҳини бу ерга олиб келмасдан, шаҳардан чиқариб ҳайдаб юборинглар, —деб фармон берибди. Бу одамлар минора тагига бориб, хотинни қолдан чиқариб, қолдан болани олиб, қўлига тутқазиб, ўн танга бериб жўнатишибди.

Косим жаллод ва гувоҳларни эса бошқа томонга ҳайдаб юборишибди. Хотин уйига келиб уч ой тургандан кейин эри келибди.

Хол-аҳвол сўрашиб:

— Мен ҳаяллаб қолдим. Ҳафа бўлмай юрдингми? — дебди. Хотини у кетгандан кейин бошидан кечирган саргузаштларини айтиб берибди.

Эри:

— Шунчалик маломатга қолибсан, жонинг саломат қолибди. Энди ҳафа бўлмай икковимиз яхши яшайлик, — дебди.